

ИШОНСН

Ушбу сонда:


2 ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

2-3 КҮМҚҮРҒОНДА
ШУНДАЙ ЖАМОА БОР

4 ПОЁНСИЗ ИШҚ ЭРТАГИ



Ўзги соғломлаштириш



Миллий армиямиз — мустақиллик қўрғони

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидagi хизмат тўғрисида»ги қонунлари қабул қилиниши мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашда ўзига хос бир босқич бўлди.

Самарқанд вилоятдан Ички ишлар вазирлигининг қорувул қўшинлари хизматида чақирилган Маъруф Маматов жанговар ва ҳарбий топшириқларни бажаришда ҳамқисмларига ўрнат қўрсатяпти. Жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук оддий аскар зиммасидаги масъулиятни виждонан ҳис этган ҳолда ўзи қўриқлаётган иншоотнинг мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти учун ниҳоятда муҳимлигини яхши билади.

— Аскарлар ва зобитлар орасида ҳарбий хизмат масъулиятини тушуниб етган жасур ва ўқтам йигитлар кўпчилиги, — дейди ҳарбий қисм командири, майор М.Тузалов. — Президентимиз ва ҳукуматимизнинг гамхўрлиги тўғрисида йўналишда тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий қурол-яроғларга эга бўлган миллий армия шаклланди.

Бўлима командири Зайниддин Шоқосупов ҳам оддий аскарликдан раҳбарликка кўтарилган. Жайоода катта обрў-эътиборга эга Каттиққўл ва талабчан. Айни пайтда аскарларга гамхўр инсон. Ҳарбийлар ўртасида ўқтазишдан республика кўрик-танловида фаол қатнашиб, «Энг намунали бўлима командири» деган шарафли номга сазовор бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Кичик сержант Икром Қурбонов эса «Энг яхши касб эгаси» йўналиши бўйича учинчи ўринни қўлга киритди.

Ҳар бир ўзбек хонадонинда йигитларнинг ҳарбий хизматга жўнатиши ва армиядан қайтганини нишонлаш удуми бор. Қарши туманида камол толган оддий ас-

кар Бахтиёр Саралиевнинг ҳарбий хизматдан қайтиши ҳам гўёки бир тўйга айланиб кетди. Қариндош-уруғлар, кўни-қўшинлар, ёру дўстлар ташириб буришди.


— Ҳарбий хизмат — муқаддас бурч, — дейди аскарнинг отаси, тепловоз машинисти Собир ака Саралиев. — Истиклол шарофати билан фарқ қилинди.

— Ҳарбий хизматни адо этган йигитлар учун катта имтиёзлар берилган, — дейди олий ўқув юртига ўқишга киришга ҳозирланган Б.Саралиев. — Қўмондонлик тавсияномасини қўлга киритганларга олий ўқув юртиларига киришда оладиган энг юқори баллнинг 25 фоизи қўшилади. Ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест синовида) керакли балл тўплай олмаганлар эса олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

— Фарзандимизнинг Ва-

Эз мавсуми келиши билан Бухоро шаҳридаги «Нефтичи» оромгоҳи болаларнинг шўх овозларига тўла. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳомийлик қилаётган мазкур дам олиш маскани ҳозирги кунда намунали фаолият кўрсатиб келаётир. Бу ерда кичкинтойларни овқатлантириш яхши йўлга қўйилган. Ўқувчилар бўш вақтларида чўмилишди, компьютер ўйнашди ва бошқа тўгаракларга қатнашибди.

Суратларда: оромгоҳ фаолиятдан лавҳалар. И.ҲОЖИЕВ олган суратлар



ТОБЛАНИШ

зандларимиз йигитлик бурчларини она юртида ўтамоқдалар. Табаррук заминга меҳр-муҳаббат йигитларга алоҳида гурур ва куч-қувват бағишлайди.

Бахтиёр ҳарбий хизматга қадам қўйганидан батаъдидан педагогика коллежининг ҳуқуқшунослик бўлимини тугатди. Ҳарбий хизматга қақчил қўйилган муваффақиятли ўтади. Зокир Тоҳир, Буеруний Жумаев, Улуғбек Раҳимов каби тажрибали зобитлар раҳбарлигида жанговар тайёргарлиги, сиёсий билимларини ошириш, жисмоний чиникдан, руҳан етук, соғлом ва бақувват аскар сифатида шаклланди. Ҳарбий хизматдаги намунали ҳуқуқ, жанговар топшириқларни виждонан адо этганилиги, билимларни пухта эгаллаганлиги тўғрисида қўмондонлик тавсияномасини олишга муваффақ бўлди. Профессорлар тавлождан ўтиб, ҳарбий қисмда шартнома асосида хизматга қабул

ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР

Навоний вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Навоний шаҳридаги «Меҳрибонлик уйининг» моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ногирон болалар жамғармасига моддий ёрдам кўрсатилди. Вилоят тармоқ кенгаши ва вакилликлар томонидан кам таъминланган 365 оилага, 123 нафар нафақадорга, 149 нафар ногирон оилага қорхона ва ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами уюштирилди.

Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касаба уюшма Марказий кенгаши Навоний вилоят вакиллик тасарруфидаги даволаш ва профилактика муассасаларининг касаба уюшма кўми-

талари томонидан уруш ва фронт орти меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, тиббиёт соҳасида узок йиллар фаол меҳнат қилиб, ҳозирги кунда нафақада бўлганлар Бухоро ва Самарқанднинг зиёратгоҳ жойларига саёҳатга олиб борилиб, маданият ногирон болалар жамғармасига моддий ёрдам кўрсатилди. Ўқувчилар, ёдгорликлар билан яқиндан таништирилди.

Ҳозирги кунларда болалар оромгоҳларида ёғи соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва ўқтазиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига қарашли 8 та болалар оромгоҳларида биринчи мавсумда 1178 нафар бола соғломлаштирилди.

Р.ОРИПОВ, «Ишонч» мухбири

МДҲНИНГ МОСКВА САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21- 22 июл кунлари Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий саммитида иштирок этди

Кремлга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Молдова Республикаси Президенти Владимир Воронин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев йиғилдилар.

Музокарада МДҲни ислоҳ қилиш ва Ҳамдўстлик доирасида гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Аъзо давлатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп ёқлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, аъзо давлатлар ўртасида қарийб барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилиши лозим бўлган мазкур ташкилотнинг салоҳияти тўла ишга солинмаяпти. Бу, аввало, аъзо давлатларнинг муайян масала юзасидан келишувга эришишини қўйинлиги билан боғлиқ. Бунга эркин савдо зонаси билан боғлиқ масала неча йилдан буён ечим топмаётгани мисол бўла олади.

Қолаверса, турли бюрократик тўсиқлар, самара бермаслиги аввалдан аён бўлган ташаббусларни илгари суриш орқали сиёсий обрў орттиришга уринишлар, айрим шартнома ва битимларнинг қоғозда қолиб кетаётгани ҳам МДҲнинг ривожига тўсиқ бўлмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик Ҳамдўстлигини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Илм-фан ва таълим, маданият ва санъат, спорт, соғлиқни сақлаш соҳалари вакилларининг бевосита алоқаларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлатлараро муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади. Москва саммити қатнашчилари гуманитар соҳадаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга оид масалани атрофлича муҳокама қилдилар.

Россия Президенти В.Путин учрашув қатнашчиларини «Катта саққизлик» мамлакатларининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган саммити яқунлари билан таништирди. Унда қўрилган масалалар - энергетик хавфсизликни таъминлаш, фан- таълим ва юқори технологияларни ривожлантириш, юқумли касалликларга қарши кураш каби дунёвий муаммоларнинг ечимини Ҳамдўстлик доирасида ҳам долзарб.

Москва сафари чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиевни ўз қароргоҳида қабул қилди. Қирғизистон раҳбарининг илтимосига биноан бўлиб ўтган мазкур учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Анвар БОБОЕВ, Ўза махсус мухбири. Тошкент-Москва-Тошкент

Ҳозирги даврдаги кенг қўламли ўзгаришлар ҳар бир соҳа мутасаддиларининг ўз ишига масъулият билан ёндашишни талаб этади. Меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятда бу масалалар янада аҳамиятлидир. Эндилкида эскича иш услуби ва андозлардан воз кечмай туриб, кўзланган максалга эришиш қийин. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойида бу ҳақда аниқ фикрлар айтилди ҳамда келгуси вазифалар Ҳаракат дастурида ўз аксини топди.

Ўзбекистон енгил, мебель санвати ва коммунал-маиший хизмат ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги бошланғич касаба уюшмалари кўмита раисларининг ўқув-семинарида ана шу ҳақда гап борди.

Марказий кенгаш раиси М.Одилова ўз маърузасида семинар иштирокчиларининг кўпчилиги янги сайланганликларини инобатга олиб, жойларда кўзланган мақсадларга эришиш йўллари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шу кундаги энг муҳим тадбирлардан бири — болалар ёғи соғломлаштириш мавсумини кўнгилдагидек ўқтазиш масалалари бўйича Ўзбе-

Ўқув-семинар

кстон КУФКнинг маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси М. Шукурованинг маърузаси тингланди.

Семинар қатнашчилари «Тошшаҳаргаз» қорхонаси касаба уюшма кўмитасининг фаолияти билан танидилар. Ўқувда Ўзбекистон КУФКнинг ҳуқуқий бўлими муdiri А. Рискўлаев, Тошкент шаҳар кенгашининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича етакчи мутахассиси К. Крафт, Тармоқ касаба уюшма МКнинг ташкилий ишлар бўлими муdiri Ш. Тулаганова, ўқув маркази директори К. Переверзев ва бошқаларнинг турли мавзулардаги маърузалари тингланди.

Ўқув ниҳоясида бир неча маданий тадбирлар уюштирилди. Семинар қатнашчилари Ўзбекистон тарихи музейи, Сенат Биносини бориб кўрдилар. Улар учун А. Навоний номли маданият саройида «Ватан» фильми намойиш этилди.

Комила БОЙМУРОВА, «Ишонч» мухбири

ФАОЛ ИШЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ



КАСАБА УЮШМАЛАРИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЎН БЕШИНИНГ ЎН ИКИДА



Бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш асосий вазифалардандир. Ушбу йўналишда меҳнат ахлининг энг халқчил ташкилоти — касаба уюшмалари кенг қўламли фаолият юритмоқда.

Кучли ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Мустақиллик йилларида касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг мазмун ва моҳияти тубдан ўзгарди. Эндилкида хайбарақаллачилик ҳамда амалда ўзи бўлмаган қандайдир мусобақа ҳаракатини йўлга қўйиш ўрнига, бевосита меҳнат ахлига яқинлашиб, унинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлялғимиз. Халқимизни истиқлол берган имкониятлардан баҳраманд этиш, ҳаётини мазмунли ва фаровон бўлишига ҳисса қўшиб келаялғимиз. Асосий шioriимиз «Инсонга наф келтириш — олий бахт» давлатини амалда оқлашга астойдил ҳаракат қилаялғимиз.

Асосий эътибор иш берувчилар билан тузиладиган жамоа шартномалари ҳамда ижтимоий шерикчилик тамойил-

2-3 бетлар

КАСАБА УЮШМАЛАРИ

Сурхондарё

Давлатимиз раҳбарининг «Мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳаммиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади» деган сўзлари касабани уюшмалари учун ҳам дастуруламал бўлиб қолади.

(Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг IV курултойи ҳужжатларидан)

(Боши 1-бетда)

Айни вақтда вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасаруфидан 11 та тармоқ мавжуд бўлиб, шундан 3 таси Кенгаш ҳамда 8 таси вакилликлардан иборат. Улар 1645 та бошланғич ташкилотни ўз атрофига бирлаштирган. Тадбиркорлик субъектларида бошланғич касабани уюшма ташкилотларини тузиш, улардаги аъзолар сафини кўпайтиришга эътибор берилганлиги боис бугунги кунга келиб, воҳамизда уюшма аъзоларининг сони 463660 нафардан ошди.

Ташкилий-тарбиявий ишлар ижтимоий ҳимоя ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасидаги барча сайёҳ-харакатчиларни мамлакатимиз касабани уюшмалари Федерациясига бирлашган касабани уюшмаларининг IV курултойи қарор ва кўрсатмалари асосида тузилиб, тасдиқланган Дастур бўйича амалга оширилган. «Соғлом авлод», «Соғлом она ва болалар», «Бандлик», «Ҳамкорлик», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» каби ўнга ақин дастурий вазифаларнинг изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги меҳнат ахлининг касабани уюшмаларида ишончини, тизимнинг халқ орасида нуфузини оширмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касабани уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакилиги, таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси вилоят Кенгаши, «Шўрчи дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти, «Тўпаланг-ГЭСкурилиш» масъулияти чекланган жамият, «Сурхон» компанияси ҳиссадорлик жамияти, «Аму-Сурхон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси, «Ўйжойсаноатсувкурилиш» ширкати хусусий корхонаси, Саркосид туманидаги И.Дибвор номи ширкат ҳўжалиги, Жарқўрғондаги «Сурхонтекстиль», Шеробод туманидаги «Хўжайкон туз» касабани уюшма ташкилотлари аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишга эришаётганлиқларини таъкидлаш ўринлидир.

Иқтисодий тизимнинг асосий тармоғи — қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ишловчилар ўз самарасини кўрсатаётди. Пилла, галла етиштиришдаги ютуқларимиз мўл пахта ҳосили олинаётгани қишлоқ меҳнатқашлари шижо-

атининг намунаси. Тизимда амалга оширилаётган тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари 238,5 минг ишловчининг манфаатларига бевосита дахлдор. Шартнома ва келишувлар ўтган йилга нисбатан 944 тага кўпайди. Уларни тузиш, лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бўйича Жарқўрғон, Денов ва Шеробод туманларида йил бошида ҳудудий семинар ташкил этилган. Бу лойиҳалар ҳужжатлар ижросига доимий эътибор бериб келинаётди. Чунки, шу йилнинг ўзида тизимдаги қорхоналарда ишлаб пенсияга чиққан, байналмилалчилар, фахрийлар, эҳтиёжманд ва кўп болали оилалар аъзоларидан 193 нафарига нисбатан тиббий хизмат ҳаражатлари қопланди. 129 нафар ишловчи аёлга ҳақ тўланадиган таътил муддатни узайтирилди. 2-3 яшар фарзандни тарбиялаётган 218 нафар онага иш берувчилар

тадан ошди. Шу йилнинг ўзида умумхалқ байрамлари арафасида кам таъминланган кўп болали оилалар, шунингдек, ўзгалар парварисиغا муҳтож 1940 нафар кишига касабани уюшмалари маблағи ҳисобидан 4.8 миллион сўмлик, қорхона ва ташкилотлар ҳисобидан 7 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган 1050 нафар фуқароларга қорамол тарқатилди. Шеробод, Узун ва Денов туманларида «Тез тиббий ёрдам» бўлимлари, Шерободдаги «Гулистон», Термиздаги «Мангузар», Деновдаги «Лочин» ва «Бодихаво» қишлоқ врачлик пунктлари, Деновдаги 1-сонли, Бойсун туман марказий шифоналарида ҳомийлар маблағи ҳисобидан таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда кенгайтириш ишлари амалга оширилди.

Мустақил Ватанимиз сарҳадларида истиқомат қилиб, фаолият

тадан ошди. Президенти Фармон билан Республикаимиз Миллий ҳавфсизлиги, Ватанимиз ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлдорлигини таъминлашдаги фидокорлиги ва мардлиги учун «Жануб чегара қўшинлари минтақавий штаби» Термиз чегара ҳудудининг Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирлангани ҳар биримизнинг қалбимизда ифтихор туйғуларини туйдирди. Бу посбонларимизнинг жангвор хизматдаги улкан муваффақиятлари, ҳарбий хизматчиларнинг маҳорати ва юқори касбий тайёргарлик даражасига берилган муносиб баҳодир. Жангвор ва сиёсий тайёргарлигини кун сайин ошириб, муқаддас чегарамиз яхлитлигини кўз қорачиғиде асраётган зобит ва аскар ўғлонларимиз билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, кўрсатилаётган оталиқ ёрдами қўламини кенгайтираверамиз.

Аҳолидан тушаётган ариза ва оғзаки мурожаатларга эътибор ошди. Шу йилнинг биринчи ярмида вилоят касабани уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига тушган 84 та аризадан 70 таси ижобий ҳал этилди. Улардан бир қисми моддий ёрдам ажратиш хусусида бўлиб, ариза муаллифларидан 12 нафарига энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда кўмак берилди. Нокўнуний бўшатишган «Шўрчигазтаъминот» идораси ишчи-ҳодимлари Э.Эшмуродов, Б.Сатторовлар ўз ишларига тикландилар, Узун туманидаги мактабга таълим муассасаси мудири Ш.Сотиболдиевнинг шижоати ижобий ҳал этилди.

Тўғри, фаолиятимизда амалга оширилиши зарур бўлган масалалар, ҳал этилмаган муаммолар ҳам кўп. Келишувлар ва жамоа шартномаларининг амалдаги ижросини таъминлаш, иш ҳақи қарздорлигини бартафоз этиш, хусусий мулкчилик устувор ривожланаётган, чет эл сармоялари кириб келаётган, фермер ҳўжалиқлари тобора кенг тараққий этаётган бир пайтда юзга келаётган айрим муаммолар шулар жумласидандир. Юз бераётган ўзгаришлар асосида касабани уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси фаолияти, ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ҳам долзарб вазифалардандир.

Абдукарим АҲМЕДОВ, Сурхондарё вилоят касабани уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси.

Истиқлол шарофати

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ОРЗУ

Сариосий туманида вилоятда ягона бўлган «Тўпаланг» гидроэлектростанцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Утган ойнинг ўрталаридан бошлаб соатига 15 меговатдан электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу иншоотнинг 2 та кичик агрегати тўлиқ ишга туширилди.

ГЭС қурилармиш деган овозлар тарқалганига 5 йилдан ошди. Баъзилар бу гапга ишонинди, айримлар ишонқирамади. Чунки собиқ иттифоқ даврида битта мактаб биносини қуриш учун ҳам юқоридан розилик олинишни кўпчилик унутмаган эди. Бундай иншоотни қуриб битказиш учун озмунча маблағ зарурми, — дегувчилар ҳам топилиди.

Ҳақиқатан ҳам ўтган 5 йил давомида гидроэлектр станцияни бунёд этиш учун анча маблағ сарфланди. Лекин Сариосийда уни бунёд этиш зарурат эди. Чунки аҳолининг ва ишлаб чиқариш қорхоналарининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи кун сайин ортиб борарди.

Айни кунда бу режа ҳақиқатга айланди. Утган вақтда мазкур ГЭСни бунёд этиш

учун Абдуғани Сангинов бошчилигидаги «Тўпаланг-ГЭСкурилиш» масъулияти чекланган жамиятнинг бунёдкорлари ҳамда Республика кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тасаруфидан бир қатор қурилиш ташкилотлари ишчи-хизматчилари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишди.

Гидроэлектр станцияни 2 та кичик агрегати республиканинг ягона электр тармоғига уланди. Мазкур иншоот истеъмолчиларга йилга 70 миллион киловат соат электр энергияси етказиб беради.

Н. НАРЗИЕВ

«ШОҲ ВА ШОИР»

ЎҚИЗИЛДИ



ҚУДРАТИМИЗ — ДЎСТЛИҚДА

Серкўёш диёримизда кўпга миллат ва эллар ўзаро ҳамжихатликда истиқомат қиладилар. Ягона оилада тинч-товуш яшаб келаётган турли миллат вакиллари ўзбеклар билан елкама-елка туриб, юртимиз раванки ва истиқболли йўлида ҳорам-тоғмай меҳнат қилмоқдалар.

Республикамизда турли миллат ва халқлар миллий марказлари айни кунларда қизгин фаолият олиб бормоқда. Улар ташкил этаётган турли кечалар, концертлар, фестивал ва тадбирлар одамларни янада бир-бири билан жипслаштиради.

Яқиндагина Термиз шаҳрида вилоят миллий марказлари фестивали ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган ушбу фестивал «Қудратимиз дўстликда ва ҳамжихатликда» номи шир остида ўтди.

Фестивалда рус, тожик, туркман, корей ва татар миллий марказлари иштирок этидилар. Голиблар ҳомийлар томонидан таъсис этилган қўмақчилик совғалар билан тақдирланди.

Суратда: Фестивал қатнашчилари туркман миллий маркази китоблар кўргазмаси билан танишмоқдалар. И. ХЎЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Маннон Ҳўғур номидаги Сурхондарё вилоят мусикали драма театри шоир ва драматург Ш. Раҳматуллаевнинг буюк Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Шоҳ ва шоир» спектаклини Ўқизил қўрғонидидаги саломатликни тиклаш ва табиий даволаш илмий текшириш институтининг Термиз филиалида намойиш этди. Саҳна асаридан намуналар билан шифокорлар томонидан қизгин кутиб олинди.

Шунингдек, театр ижодий жамоаси бойсунлик драматург Х. Хурсандовнинг «Погон таккан одамлар» спектаклини ҳам саҳналаштирди. Спектаклдаги асосий ролларни театрининг ёш ва таниқли актёрлари ижро этишган.

ЎҚИТУВЧИ НОМИДАГИ

ЖАМФАРМА

Мана тўрт йилдирки, Ангор туманидаги 3-ўрта таълим мактабида марҳум педагог Ҳайитой Ёдгоров номида «Эъзо» жамғармаси стипендияси жорий этилганлиги зўр, иш бўлади.

Ҳайитой опа 1990 йилгача шу мактабда фаолият кўрсатган. У кишининг умр йўлдоши Зафарқожи Қоракўлов ва фарзанди Муроджон Зафарқорларнинг ташаббуси билан мактабнинг 9-, 10-, 11-синфлари ёлочи ўқувчилари учун стипендия таъсис этилган. У ҳар ойда асосий фанлар бўйича ўқизилди.

Жорий йилда стипендия миқдори оширилди. Янги ўқув йилида ҳам стипендия синовларини ўқизиб бориш мўлжалланган.

МАҚСАД САРИ ИНТИЛИБ

Денов туманидаги 32-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Соҳиба Қудратова шарқона яққақурашнинг қарат-до шотакан йўналиши билан шугулланиб келмоқда. У Ўзбекистон чемпионатида бронза медалини кўлга киритган. Мамлакат кубоги мусобақалари финалчилар.

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларида ҳам Соҳиба маҳсулотларини тоғига етказмоқда. Унинг орзуси республикамиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган халқаро турнирда голибликни кўлга киритиш.

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Ангор туманидаги 9-сонли мактаб ўқувчилари қурувчилардан ажойиб совға олишди. Шу кунларда мактабнинг янги биноси қуриб битказилди. Ушбу маскан 8 хонадан иборат бўлиб, компьютер хонаси, лабораториялар дид билан жиҳозланган.

«Термиз қурилиш ва таъмирлаш» жамоа қорхонаси ўқув биносини 180 кунда битказиб берди. Бу ерда 150 миллион сўмлик иш бажарилди.

Р.НЕМАТОВ

Мамлакатимизда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Аҳолини иш билан таъминлашга йўналтирилган бир қатор Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари эълон қилинганлиги бунинг далилидир. Бозор шароитида ҳар қандай соҳада мавжуд ишчи кучларидан тўғри ва самарали фойдаланишни таъминлаш зарур. Бунинг учун иш жойларини батафсил ўрганиш, шунингдек, меҳнат ресурсларини уларнинг таркиблари бўйича аниқлаш лозим. Шу маълумотлар таққослашиб, тармоқларнинг қорхоналарнинг иш ўринлари билан таъминланганлик даражаси аниқланади.

2004 йилда вилоятда керак. 938800 нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли рўйхатга олинган. Улардан иш билан банд бўлганлар сони 632100 кишини ташкил этди. 2005 йилга келиб Бу борада вилоятда ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят бўйича 2004 йилда 32912 та янги иш ўрни яратилган бўлса, 2005 йилда

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 970500 кишига, иш билан банд бўлган аҳоли сони эса 651700 тага етди.

Ишсизлик сафига меҳнат биржаларида рўйхатга олинганлар киритилди. Уларга давлат нафақаси тўланади. Кишлоқ ҳўжалигида мавжуд ишчи кучларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш учун ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни янада чуқурлаштириш, агросаноат интеграциясини амалга оширишни ривожлантиришга эришиш лозим. Бунинг учун эса турли шакллардаги қорхоналарни ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратиш мақсада мувофиқдир. Бу жараёнда кўшма қорхоналар, кичик қорхоналарни ташкил этишга, уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш

Бандлик


рилган. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қорхоналарида 169 та, кичик ва хусусий қорхоналарда 151 та, фермер ҳўжалиқларида 68 та, ҳисоб рақамига эга бўлган яққа тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига меҳнат шартномаси асосида 22 та, янги иш ўринлари ташкил этилади.

Қизирқ туманидаги «Юлдуз-тўқимачилик» масъулияти чекланган жамиятда касаначилар меҳнатини ташкил этиш

ҳисобига 2006 йилда жами 20 та янги иш ўринлари яратилиб, касаначилар томонидан 15,1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Касаначилар асосан ишчилар учун қоржомалар тайёрлаш билан шугулланишаётди. Мазкур қорхона юқориди Фармонда белгиланган имтиёزلардан фойдаланган ҳолда 364 минг сўм маблағ тежади ва уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирди.

Шунингдек, меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш борасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни катта бўлаяпти.

А.ШОДИЕВ, Термиз Давлат университети ўқитувчиси



— Қорхонада 319 нафар киши ҳамжихатликда меҳнат қилмоқда.
— Ишчиларга бепул тушлик ва ойига 70-100 минг сўмгача маош берилаяпти.
— Мамлакатда биринчи бўлиб қорхона муҳандис-техник ходимлари ерости темир йўли барпо этиш учун йиғма бетон конструкциясини тайёрлашди.
— Вилоятдаги кўпгина қурилиш ташкилотлари темир-бетон буюмларини қорхонадан ҳарид қилишаётди.

Токи ҳаёт давом этаркан, инсонлар рўйи заминда яшаркан, замонавий иморатлар, бири-биридан қиройли ва мухташам бинолар қад кўтараверади. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳам Сурхондарё вилоятида бунёдкорлик ишлари тўхтагани йўқ. Ақинча, деврли ҳар ойда вилоятнинг қайси бир қишлоғи ёки туманида мактаб, касб-ҳунар коллежи ёки қорхона қад ростлаётган. Янги иш ўринлари барпо этилмоқда. Замон талабларига мос ва янгиҳа андозалар асосида қурилаётган, юртимиз кўрки-

га кўрк бўлиб қўшилаётган биноларнинг тикланишида «Сурхон комбинати» оқиқ турдаги акционерлик жамияти жамоасининг ҳам ҳиссаси катта бўлаяпти. Гарчанд мазкур қорхона ишчи-хизматчилари бунёдкорлик ишлари билан шугулланишмасда, вилоятдаги кўпгина қурилиш ташкилотлари ва объектларига темир-бетон буюмлари етказиб беришаётди. Қорхона цехларида ҳар қандай иморатнинг пойдевори қўйилаётган бетон блоклардан тортиб, то устини ёпишгача зарур бўладиган ҳар хил ўлчам ва ҳажмдаги плиталар, бетон

устунлар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, мактаблар, касб-ҳунар коллежларида барпо этилаётган спорт заллари ҳамда ўқув мажмуалари бетон тиркамалари ҳам айнан қорхона цехларида тайёрланаёпти. Қисқаси, йиғма темир-бетон буюмларининг қайси турига бюртма берилса, акционерлик жамияти жамоаси уларни сифатли ва ўз вақтида тайёрлаб беришга ҳаракат қилмоқда.

Кейинги пайтда турдош қорхоналарнинг кўпи инқирозга ўз тутгани, охириқабат йиғма темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш қоскин қамагани туфайли вилоятдаги барча қурилиш ташкилотлари асосан «Сурхон комбинати»га бюртма беришаёпти. Шу боис бу ерда шанба-яққанба кунлари ҳам иш тўхтамайди. Ишчи-хизматчилар уч сменада меҳнат қилишаётди. «Сурхон комбинати» раҳбариятининг Бекобод мағалуряни заводи, «Қизилқумцемент»

акционерлик жамияти ҳамда Сариосий тош-шағал саралаш заводи жамоалари билан ҳамкорликни яқши йўлга қўйганлиги туфайли ишда узилиш бўлмаёпти. Тўртала қорхона ўртасида шартнома шартларига тўлиқ амал қилинаётганлиги туфайли металл, цемент, шағал ўз вақтида етказиб берилаёпти. Бу эса қорхонада маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайишига олиб келмоқда.

«Сурхон комбинати» акционерлик жамиятига бюртма берилган Қоракон Турсунгунги қанда раҳбарлик қилаётган Қоракон Турсунгунг узоқ йиллар турли ишларда ишлаб чиқариш ташкилотларида ишлаган ва мана у йилдирки, 318 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган жамоани моҳирона

бошқариб келяпти. Раисининг ўзи меҳнат фаолияти оқдий ишчиликдан бошлагани туфайли меҳнат қилишга қўлай шароит яратишга ҳаракат қилмоқда. Ишчи-хизматчилар 70-100 минг сўмгача маош олишаёпти. Сменада турган ходимларга бепул иссиқ овқат тайёрланади. Ишчи-

лар сменадан сўнг қорхонага қарашли автобусларда ўз уйларига етказиб қўйилмоқда. Шу боис қорхонада ишлашга талабгорлар сони ортиб бораёпти. Хусусан, бу ерда Денов, Шўрчи, Бандихон, Жарқўрғон туманларидан ҳам ишчилар келиб меҳнат қилишаёпти. Утган йил якунига қўра, ишчи-ҳодимларга ўн учинчи маош тарқатилди. Бундан ташқари, акциядорларга дивиденд ҳам бери-

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЎН БЕШИНЧИ ЙИЛИДА

СЕНАТОР 5 МИЛЛИОН СЎМ АЖРАТДИ

Сурхондарё вилоятидаги 1-умумий ўрта таълим мактабида меҳнаткашларнинг минг нафар ўғил-қизи тарбияланмоқда. Тажрибали педагог Абдусаттор Шукуров директорлик қилаётган ушбу масканда 53 нафар ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга жамоат ишларида фаол иштирок этмоқдалар.

Бу ерда меҳнат қилаётган 12 нафар ўқитувчи икки бригадага бўлиниб, мактабни таъмирлашни бошлашганди. Чори Дўсанов, Фахриддин Эшонбоев, Шерзод Чориев, Шоира Наимова каби педагогларнинг саъй-ҳаракати билан бир ой ичида 36 та синфхона, ошхона, мажлис ва кириси заллари, фойе сифатли таъмирдан чиқарилди.

Ташаббус

ри Парда Маъдиев ташриф буюрди ва ўқитувчилар томонидан таъмирланган синфхоналарни кўздан кечириб, спорт залини таъмирлаш ва жиҳозлаш учун ҳокимлик томонидан 5 миллион сўм маблағ ажратилишини билдирганди.

сарфлаган бўлсак, қолган 3 миллион сўмига 27 турдаги спорт жиҳозлари келтиридик, — дейди мактаб директори Абдусаттор Шукуров. — Ҳоким ажратган маблағга жиҳозларни харид қилиш ва келтириш учун Тошкентга борганимизда Болалар спортини ривожлантириш республика жамғармаси раҳбарияти билан учрашиб, суҳбатлашиб қолдик. У ердагилар ҳокимнинг ушбу ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ўзлари ҳам 1 миллион сўм ажратди.

Кўряпсизми, бошланган эзгу бир тадбир бошқа бир ташаббусни етакляпти. **Д.РУСТАМОВ**

Жорий йилда Сурхондарё вилоятидаги ўқув юрталарини мавсумга тайёрлаш борасида кўплаб ижодий ишлар амалга оширилляпти. Шу жумладан Бандихон туманидаги 15-мактаб биноси ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, ўқув мавсумига шай қилиб қўйилди.

Суратларда: ишда ўрнатилган курувчиларга сова топирилмоқда; таъмирдан чиқарилган мактаб биноси.



ҚЎШМА КОРХОНАДА

Бошланғич ташкилот

Сурхондарё вилояти аҳолисини ун ва ун махсулотлари билан асосан «Шўрчидонмахсулотлари» корхонаси таъминлаб келарди. Дастлабки йилларда мазкур корхонада тайёрланган махсулотлар харидоригр эди. Аммо, фақат бу ерда тайёрланаётган махсулотларнинг ўзи билан харидорлар талабини қондириб бўлмасди. Шу боис, бундан 2 йил муқаддам Жаркўрган туманида янги ун заводи қуришга киришилди.

Янги тегиримонни бунёд этиш учун туркиялик ишбилармонлар билан шартнома тузилди. Утган йил завод «Ўзбекистон-Америка» қўшма корхонасига айлантирилди.

Замонавий технология билан жиҳозланган корхонада ишлаб чиқарилаётган махсулотга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Чунки бу ерда тайёрланаётган ун ҳамда чорва моллари учун омухта ем ўзининг сифатлиги ҳамда арзонлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, қўшма корхонанинг ишга туширилиши Ангор, Термиз, Жаркўрган ҳамда Кизирик туманлари дон махсулотлари тайёрлов идораларининг ишини енгилаштирди. Чунки, эндиликда юқоридagi туманлардан галлани Шўрчига ташиб келтириш муаммоси ўз ечимини топди.

Айни вақтда қўшма корхона цехларида бир кеча-кундузда 157 тонна сифатли ун тайёрланмоқда. Бундан Сирожиiddин Жўраев, Нозима Чоршанбиева, Аҳмад Урозов ҳамда Чоршанби Хўжамбердиев каби ишчи-хизматчиларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Жорий йилнинг утган 6 ойда қўшма корхонада 12 минг 941 тонна биринчи навли ун ҳамда 40 минг тоннадан зиёд омухта ем ишлаб чиқарилди.

Даромадга яраша буромад деганларидек, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш йил сайин яхшиланиб бормоқда. Ишчилар махсус кийим-бош, пойфазал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан тўла таъминланган. Улар ўз вақтида тиббий қўриқдан ўтказилади. Ишга келиб кетиш бепул. Транспорт харажати раҳбарият ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўз зиммасига олган.

Дарҳақиқат, Жаркўргонда бўлсангиз, туманининг қумлоқ бир чеккасида қурилган ушбу корхона жамоасига тасаннолар айтасиз. Чунки уларнинг саъй-ҳаракатлари мустақиллигини мустаҳкамлашга, аҳоли дастурхонини тўкин қилишга қаратилган.

Чоршанби ЖўРАЕВ,
«Алпомиш» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитасининг раиси

«ОЛТИН МЕРОС» ХАЙРИЯСИ

Сурхондарё вилоятида «Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармасининг бошқармаси фаолият кўрсатмоқда. Мазкур жамғарманинг Уzun тумани бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар айниқса, диққатга сазовордир. Жамғарманинг туман бўлими раҳбари Тўйчи Қиличев ундабурон, тиниб-тинчимайдиган одам. Бутун ўй-фикри жамғарма маблағини қўлайтиришга қаратилган. Ушбу жамғармага маблағ асосан «Оқ остона» зиёратгоҳига келиб кетувчилар, корхона, ташкилот ва муассасалардан йиғилади. Унинг асосий қисми зиёратгоҳ ҳудудини ободонлаштириш учун сарфланмоқда. Бундан ташқари маблағнинг бир қисми кам таъминланган оилалар, ногиронларга хайрия сифатида ажратилмоқда.

Жорий йилда 38-ўрта умумтаълим мактабида билан олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ўқув дарсликлари олиб берилди. «Оқ остона», «Мустақиллик», «Серҳаркат» маҳаллаларида яшовчи ногирон ва касалманд кишиларга 200 минг сўм хайрия қилинди. Бундан ташқари тумандаги кўзи оғирлар жамаияти аъзоларига ҳар байрамда турли совғалар тортиқ этилмоқда.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилмоғи даркор. Жамғармаизнинг низомида топилган маблағнинг бир қисмини хайрия ишларига сарфлаш назарда тутилган. Шу боис хайр-саховат ишлари бундан бўён ҳам давом эттираверамиз, — дейди Тўйчи Қиличев.

Р. УБАЙДУЛЛАЕВ

Биринчи музей Мисрининг Искандария шаҳрида миллоддан аввалги III асрда музаларга аталган махсус бинода (санъат, фан ҳомийларидан иборат 9 маъбуд йиғилиб суҳбат ўтказадиган муқаддас жой) ноёб санъат асарлари тўпаниши натижасида юзга келган. Бугунги кунда ҳам кишилар эътиборини тортувчи буюмлар музейларга турли йўллар билан йиғилмоқда. Биз ўтмишимизни бутун буй-баста билан ҳаққоний тарзда кўрсатишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Музей шу йўлда хизмат қилувчи маданий-маърифий маскандир.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи арафасида Ал Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуасида музейнинг «Мерос» тармоқ бўлими қурилиб ишга тушди. Моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, замонавий равишда жиҳозланди. Музей фондида 59210 экспонат бўлиб, шундан 560 экспонат кўргазма залларига қўйилган. Музейда экспонатлар қўлиги назарда тутилди, улар янгилиниб турилади.

Вилоят ўлкашунослик музейи ва унинг тармоқ бўлимларининг асосий мақсади ёш авлодга халқимиз тарихини билиш, ота-боболаримизнинг буюк меросини ўргатиш, воҳада яшовчи халқнинг миллий меросимизга ижобий муносабатни шакллантириш, мустақил Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаш, тарихий маданий ёдгорликларни авайлаб асрашга ёрдам беришдир.

Кўргазмага қўйилган экспонатлар нафақат маҳаллий, балки хорижий томошабинларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Аҳолининг хоҳиш-истаклари эътиборга олиниб, воҳада етишиб чиққан машҳур расом Рузи Чориев ижодига мансуб 30 та санъат асаридан иборат кўргазма ташкил этилди.


Тарихий хотирасиз келажак йўқ

нафар меҳнаткашларга имтиёзли хизмат кўрсатилди. Музейдаги ҳар бир ноёб экспонат халқ мулки, ҳар қайси бир тарих. Билмилар сарчашмасини асрашда ходимлардан С.Каримова, Т.Жўраев, П.Поёнов, Н.Пирназарова ва У.Йўлдошевлар танлиқли олимлар, табиатшунос, этнограф ва археологлар М.Массон, А.Шишкин, Б.Петровский, Г.Пугаченкова, В.Симонова, С.Мелибаева, Х.Саидов, И.Ботиров каби устозлар асарларидан фойдаланиб, иш юритиб келишмоқда. Бугунги янгилиниш даврида музей фонднинг электрон каталогини яратиш, электрон ва илмий қарточкаларини нашр этиш, фонд иши ҳужжатларини ўзбек тилига таржима қилиб, компьютер хотирасига киритиш муҳим вазифалардандир. Музей ҳақида фильм яратиш, кўргазма залларида телевизор, видеомагнитофон ва бошқа техник имкониятлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган.


Аммо иш жараёнида янги ахборот технологиясидан фойдаланиш борасида яна кўп ишлари бажариш лозим. Интернет тармоғи орқали жаҳоннинг илғор музейлари билан ҳамкорлик ва ўзаро тажрибалар алмашишни йўлга қўйиш, музейларaro ҳудудий ахборот марказларини вужудга келтириш лозим.

Табиатга яқинлик, жонанжон ўлканинг гўзаллигидан баҳраманд бўлиш киши маънавиятини юксалтиради. Маънавият ўз халқининг тарихи, унинг маданиятини ҳужур тушуниб етилгандагина қудратли кучга айланади. **Н.САФОВ**

ЎТМИШНИ БИЛМАК...



«Уzun пахта» очик турдаги ҳиссадорлик жамаияти жамоаси иш режасини мунтазам равишда ошириб бажармоқда. Бунда Анвар Ражабов каби илғор ишчиларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Улар ўзларининг юксак касб-маҳоратлари билан кўпчилиқка ўрнак бўлиб келишляпти. Суратда: илғор ишчи Анвар Ражабов.



Семашко номидаги илмий текшириш институтининг Термиз филиалида беморларни кум билан даволаш усули гўяда илмий самара берапти. Бундан кўнлар ўз дарадларига шифо топишмоқда. Суратда: муолажа пайти.

ляпти. Хусусан, 2005 йил якунига кўра ишчилар ҳар минг сўмига минг сўмдан дивиденд олишди. Юқориде таъкидлаганимиздек, корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга қўлай шароит яратилгани, цемент, металл ва тошшагал сингари зарур махсулотлар таъминотида узи-

ШУНДАЙ ЖАМОА БОР

лиш бўлмаётганлиги туфайли корхона цехларида ҳар ойда 3350-4000 куб метр ҳажмда йиғма темир-бетон буюмлари тайёрланиб, буртмачиларга ўз вақтида етказиб берилляпти. Жорий йилнинг утган беш ярим ойи корхона цехларида 16 минг 309 куб-метр темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарилди. Буртмачиларнинг ўз вақтида бажарилишида Омон Сариев, Кўнар Чориев сингари иш-

турдаги акционерлик жамаияти жамоаси фақат қурилиш ташкилотлари буртмачисини бажариш билан чекланиб қолишайтгани йўқ. Улар аср қурилиши деб номланаётган «Тошқўрган» Бойсун — Кумкўрган» темир йўл қурилишига ҳам ўз улушларини қўшмоқдалар. 219 қақирим узунлигидаги темир йўл қурилишининг 163 қақиримини барпо этиш сурхондарёлик курувчилар зиммасига юклар билан бўлса, шуна узулик-

даги темир йўл қурилишига зарур бўладиган барча хажм ва ўлчовдаги йиғма темир-бетон буюмларини тайёрлаш ҳамда бевосита ётқизишда корхона муҳандис-техник ходимларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Темир йўл қурилишига ишлатилаётган ҳар хил ҳажмдаги плиталар, бетон қувурлари, кўприк ва пой-

Замондошларимиз

Шу боис улар мамлакатда биринчи марта еростидан темир йўли ўтказиш йиғма темир-бетон мосламаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди. Корхона жамоаси томонидан ишлаб чиқарилаётган тунелбон темир-бетон буюмлар «Қумкўрган — Бойсун — Дарбанд — Деҳқонобод» оралигининг Тангимуш дарасидан поездлар ўтадиган жойида тунел барпо этишда фойдаланилди ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Сурхондарёдаги турдош корхоналар орасида узлуқсиз ва узилшларсиз ишлаб турган «Сурхон комбинати» корхонасининг иш кўлами кенг. Корхона новаторлари яна бир янгиликка қўл уришди. Улар темир-бетон буюмларидан 4 ва 6 метрли юқори босимли сув қувурлари тайёрлашга ҳам муваффақ бўлишди. Айни пайтда ашу махсулотлардан Термиз шаҳри канализация тизимини янгилашда фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари ўтган тўрт ой мобайнида корхонада кўплаб деворбон темир-бетон буюмлари тайёрланиб, унинг бир қисми қўшни Афғонистон республикасига етказиб берилди ва эвазига вилоят бюджетига 21 минг АҚШ доллари миқдоридан даромад келтирилди. Шунингдек, корхонада сув лотоклари ишлаб чиқарилиб, буртмачиларга ўз вақтида етказиб берилляпти. Корхона раҳбариятининг тинимсиз изланиши туфайли бу ерда янги иш ўринлари яратишга катта эътибор берилляпти. Утган йили корхона ичида кичик консерва заводи барпо этилганди. Яқинда ун заводи ишга туширилди. Хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда Қумкўргонда шифер заводи барпо этиш ҳам айнан шу корхонада амалга оширилляпти.

Усмон НОРМАТОВ

РАНГЛАР ЖИЛВАСИ

Дилбар зиёли оилада туғилиб воғра етди. Отаси мусаввир бўлгани боисми, ёшлигидан унинг қалбини буюкларнинг сехрли жилоси ўзига тортиди. 1980 йили ўрта мактабни тугатган Дилбар Йўлдошева Душанбе шаҳридаги расомчилик билим юртига ўқишга кирди. Уни муваффақиятли тугатиб Деновга қайтди. Тинимсиз ўз устиди ишлаб янги-янги асарлар яратди. Вилоят, республика ва хорижий кўргазмаларда фаол иштирок эта бошлади. Тез орада мусаввир сифатида элга танилди. Асарлари музейлардан жой олди.

Бугунги кунда унинг «Маҳаллада Наврўз» асари Индонезияда, «Шаҳарлик келин» деб номланган ижод маҳсули Термиз, «Субтропик манзара» асари Бангладеш музейидан ўрин олган. Рассом китоб графикасида ҳам ўзига хос услубга эга ижодкор. Унинг асарлари республика газети ва журналларида эълон қилинган, кўргазмаларда совриндор бўлган.

Дилбар Йўлдошева 1994 йилдан Ўзбекистон бадиий академиясининг аъзоси. У «Ташаббус — 1998» ва «Ташаббус — 2002» кўрик-танловларида иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни қўлга киритган.

У тиним билмайидиган, изланувчан мусаввир. Биз унга машаққатли ижод йўлида омадлар тилаймиз. **Эгам ДЎСТ**

Қўш саҳифани «Ишонч» муҳбирлари Неъмат РАФИҚОВ ва Рустам ДАВЛАТОВ тайёрлади



ОЛИС ҚИШЛОҚ САНЪАТКОРЛАРИ

Зафаробод тумани ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлимида олиб борилаётган ибратли ишлар аниқгина. Бўлим қошида «Чулқувар» халқ ансамбли, «Тўғиз кўз» фольклор дастаси, шунингдек 6 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида бадиий хаваскорлик жамоалари фаолият кўрсатишмоқда. Уларга 60 нафарга яқин санъатсевар ёшлар жалб этилган. Айниқса, «Ерқин» қишлоқ фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган «Истиклол гўнчалари» дастаси қисқа фурсатда эл оғзига туша бошлади. 16-мактаб мусиқа ўқитувчиси Алишер Бегалиевнинг савий-ҳаракати билан 30 нафардан зиёд ёш бу дастага аъзо бўлди. Уларнинг репертуари йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Суратларда: «Тўғиз кўз» фольклор дастаси қатнашчиси Ҳўк Норалиев; даста иштирокчиларидан бир гуруҳи. **Б.НОРКУЛОВ** олган суратлар

Муносабат

Хали хануз кўпчилигимиз «Сарой жавоҳири», «Тақдир ўйини» сингари сериаллар таъсирида юрибмиз. Корейс кино ижодкорларининг ютуғидан кўп нарса ўрганиш мумкин. Қадимонлар нутқидаги таъсирчанликдан хайратланмай илож йўқ. Океан-орднинг гурбатли сериалларидан безиб турган юрагимизга иллик бағишлайди. Бу ҳақда кўп ва кўп ўзидек ҳам. Лекин ойна жаҳонда намойиш этилаётган «Ишқ эртаги» сериали баъзи эътирозларимизни баён этишга ундади.

ПОЁНСИЗ ИШҚ ЭРТАГИ

Адашмасам бегубор, анча шўх, гўзал бир қизга кўзимиз тушгандек бўлди. Унинг исми — Сабрина. Дарахт шоларида ўтириб бой хонадонлардаги базми жамшидларни томоша қилишни хуш кўрарди. Қизда бадавлат оилга мансуб йигитга нисбатан муҳаббат уйғонади. Шўх боланинг эса Сабрина билан сира иши йўқ. Аммо Сабринаси қурмағур ҳам бало экан. Ташлаган қармоқлари қурқ чиқверган, бор-ей, деб Парижга кетворди. Сафардан қайтган бойвачча йигитлар у ёқда турсин, биз мухлисларнинг ҳам юрагимизни жижиллатиб юборди. Ука-ку тақдирга тан бериб унаштирилган қизга уйланди. Ака эса ишқ савдосидан қочиб қўтилмолади. Севгининг кудратини қаранг-а. Америка киноижодкорлари томонидан суратга олинган икки қисмли «Сабрина» бадиий фильми охири икки динчнинг топишуви билан поёнга етади. Уша Сабрина бизни ром этганди. Қисқа, лўнда ва ёқимли ишқ эртаги.

Не бахти, «эрагимиз» хали адоғига етмаган экан. Бир неча ой илгари экран орқали Сабрина қиёфасида салб юриш бошлаган Эсмани хали ҳам қиллолганимизча йўқ. Океанорти гўзали икки соатда эплган ишари ярим йилдан буён поёнига етказ олмайпти. Қиз дегани ҳам шунақа бўшанг бўладими? Ҳаммасидан ҳам Жамол оғанинг баъзи қилиқларидан ёр чизиб қолдик. Қариб қуюлмаган қария хотини билан кўрпа остида қитқиллашгани-қитқиллашган. Ҳамма томон ишқ бўлиб кетибди ўзи. Боз устига Сабринанинг отаси ёрига садоқат сақлаб ўтаётган бева эди. Бунисиди уйлантириб ҳам қўйишди. Бунчалик пуфлашни улкан шар ҳам кўтаролмасди-ёв. Биз эса анойи бўлмасак-да, «Сабрина»-ням, кўпиртирилган «Ишқ эртаги»-ням кўраверамиз. Кино бўлса бўлди-да.

Аммо жиддий гапимиз ҳам йўқ эмас. Демокримизки, «ишқ эртақ»ларидан анча хоридик. Халқимизга хос, мос фильмларга муштоқмиз. Айниқса, соф ўзбекионаси бўлса нур устига нур бўларди.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ҚОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъуляти чекланган жамияти

- Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» автомобилларини рақд пулса ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишни маълум қилади.
- Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
- Автомобилларга боқсхона солиғи туланган.
- Уларнинг сифати тўла қафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 117-46-10; 76-33-51. Факс: (8-371) 76-77-20.

Мамлакатимизда 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастури асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Муборак туманида ҳам мазкур дастур доирасида янги мактаблар қуриш, мавжуд билим масканларини замонавий талаблар даражасида қайта таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Туман халқ таълими бўлими тасаруфиди 30 та умумтаълим мактаби, 3 та мактабдан ташқари муассаса мавжуд бўлиб, уларда 17 минг нафардан зиёд ўқувчи, 18 та болалар боғчасида юзлаб кичкинтойлар таълим-тарбия олишарди.

Айни пайтда таълим-тарбия жараёнини замон талаблари даражасига кўтариш учун, аввало, ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муҳим омил саналади, — дейди туман халқ таълими мактаблари, мактабдан ташқари муассасалар сифатли таъмирдан чиқарилмоқда.

Шунингдек, таъмирдан чиқарилган мактабларни мебеллар, ўқув лаборатория, спорт инвентарлари билан таъминлаш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди. Шу туфайли хозирда ўқув лаборатория хоналарининг аксарияти янги ўқув йилга тахт қилиб қўйилди.

Айни пайтда мавжуд 30 та ўрта умумтаълим мактаб биноларида муҳандислик — коммуникация инфратузилмасини тубдан яхшилаш, компьютер техникаси, дарслик ва ўқув услубий материаллар билан таъминлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

А. ХУДОЁРОВ



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Катта хирмонтёпа» маҳалласида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш нукталари фаолияти яхши йўлга қўйилган. Худуддаги «Diadema Нур сервис» ногиронлар жамиятига қарашли «Шарм» гўзаллик салони маҳалла ахлига юқори сифатли хизмат кўрсатишмоқда. Бу ерда 5 нафар тажрибали ва қўлигул сартарош кишилар ташки қиёфасини гўзал қилишга келтирмоқда. Улар эркаклар ва айлар учун алоҳида хоналарда 10 — 15 турдаги хизматларни бажаришади. Кекса ва ногиронларга хизмат кўрсатишда нархлар 50 фоизга арзонлаштирилган.

Суратларда: гўзаллик салони фаолиятдан лавҳалар. **И.ХАСАНОВ** олган суратлар

Айтишларича, Илхомжон Усмонов унчалик ёмон йигит бўлмаган. У қотилликка қўл уради, деган фикр ҳеч қимнинг хаёлига келмаган. Яхшигина ишлаб турар, ҳамма қатори рўзғор тебратарди. Тўғри, жиноят мастликда юз берди, бу ароқнинг иши, деганлар ҳам бўлди. Лекин ароқни ким ичди? Инсонми? Ёки номинг ўчур бу оғу ўз-ўзидан одамнинг оғзига қўйиладими? Ҳамма нарса кишининг иродасига, ўзини қандай тутишига боғлиқ. Шишанинг ичиди юв-вошига турган бу тилсиз бало ичингизга кирган сизни инсонлик қиёфасидан чиқаради. Илхомжон Усмоновнинг тақдир бунга яна бир бор тасдиқлади.

Хуллас, Адхамжон Нажмидинов, Мухаммадали Набиев, Илхомжон Усмоновлар биргалликда бир мавжуд қилишмоқчи бўлишди. Шу мақсадда Адхамжоннинг уйда йиғилиши.

Эмишки, ароқ шайтоннинг суви бўлиб, икки эркак йиғилган жойда иложи борича учинчи бўлиб ўртага қўйишди, иродаси буюрқ одамнинг томоғини қитқилаб дастурхондан тезроқ ўрин олишни хоҳлаб тураркан. Уша қуни ҳам шундай бўлди. Аслида, йигитлар мазада қилиб хангомалашшдан тазоқ ўрин олишни хоҳлаб тураркан. Уша қуни ҳам шундай бўлди. Аслида, йигитлар мазада қилиб хангомалашшдан тазоқ ўрин олишни хоҳлаб тураркан.

Саломатлик сирлари АЛЛЕРГИЯ ОДДИЙ НОХУШЛИКМИ?

Кейинги йилларда аллергия хасталиклар ҳақида кўп эшитаямиз. Одатда кўпчилик бунга оддий нохушлик деб қарайди. Ҳолбуки, вужудимиздаги ҳар қандай ўзгаришга эътиборсиз бўлмаслигимиз керак. Самарқанд вилоят алергик хасталиклар маркази мудири, тиббиёт фанлар номзоиди Дилбар Инатуллаева билан суҳбатимиз шу ҳақда маълумот беради.

— Алергик хасталиклар илгари ҳам мавжуд бўлиб, одамлар уни билимаганми? Ёки ташқи муҳит ўзгариши билан кейинчалик пайдо бўлган хасталик турими?

— Шарқлик одамларнинг аксариятида галати одат бор: хасталик жиддий хуруж қилмагунча бепарво юрaverишади. Айни шу сабабдан алергияни оёқда ўтказишади, ҳатто баъзида пайқашмайди ёки касаллик хисоблашмайди. Шунинг учун баъзилар бунга янги хасталик деб қарашади. Аслида алергиянинг олимлар томонидан аниқланганига бир неча аср бўлган. Содда қилиб айтсак, ташқи омишлар таъсирида инсон вужудига табиий равишда пайдо бўладиган ноодатий ҳолатларнинг алергия деб тушуниш керак. Бундай хасталиклар ҳамма жойда учрайди. Аммо сановати ривожланган минтақаларда, хусусан шаҳарларда бунга кўпроқ аҳамият берилади. Кейинги 20-30 йил ичида бир қатор мамлакатларда алергик касалликлар кескин кўпаяётгани қайд этилган. Айтайлик, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотида кўра АКШ, Германия, Англия, Швеция, Данияда алергик хасталиклар даражаси сил, ревматизмникидан ошиб кетган. Атроф-муҳитнинг кескин ўзгариши, ифлосланиши алергияни келтириб чиқарадиган асосий омиш хисобланади.

— Бу хасталикнинг қанақа турлари, шакллари мавжуд? У юқулми?

— Хасталикнинг энг кўп учрайдиган турлари бронхит, астма, медикаментоз, қичитки, тери алергияларидир. Ҳаводаги чанг, сановат ва автомобил чикинди газлари, тутун нафас йўллари алергиясини келтириб чиқаради. Усимликлар гуллаб чанглиниш вақтида ҳавода миллионлаб гул чанглири учиб юради, буларнинг ҳам таъсири сезилади. Аслида алергик хасталиклар юқумли эмас. Алергия хасталик сифатида наслга ўтмайди. Ирсий нукта назардан организмнинг биологик-физиологик хусусиятлари, яъни айнан бир ташқи омишларга таъсирчанлиги авлодга берилиши мумкин.

— Махсус билимга эга бўлмаган киши алергия пайдо бўлганини қандай пайқайи мумкин?

— Алергиянинг дастлабки белгилари яқол сезилмайди. Хасталикнинг қучайиши у пайдо бўлгандан қандай у оқ кейин бошланади. Масалан, нафас йўллари алергиясида бемор чўқиради, бурун битади, бурундан кўп суяқлик ажралади, дармонсизлик сезилади. Айрим беморларда нафас қисими, кўрак қисмида гишиллаш эшитилади. Бу тумовнинг белгиларига жуда ўхшайди. Шу боис шомоллашдан шикоят қилиб мурожаат этилганда шифокор ўпка ва нафас йўлларида шомоллаш йўқлигини қайд этса, албатта, алерголог мутахассисдан ҳам маслаҳат олиш керак. Тери алергиясида эса тери юзасида қизғиш доғлар пайдо бўлади, қичишиб безовта қилади. Уму-

ман, алергия мавсумий хасталиклар сирасига қиради.

— Хасталикни қайталамайдиган тарзда тўқил даволаб бўладими? Олдани олиш мумкинми?

— Алергияни даволаш учун унинг хусусиятларини, келиб чиқиш сабабларини аниқлаш шарт. Акс ҳолда нотўри муолажа наф бермаслиги ёки жиддий асоратлар қолдириши мумкин. Энг маъқул йўл бундай пайтда ихтисослашган даволаш муассасаларига мурожаат қилишдир. Хасталикнинг олдини олиш учун ҳар бир киши ўзининг вужудига нохуш таъсир қиладиган омишларга эътиборли бўлиши, улардан сақланиши керак. Алергия билан хасталанган беморлар ҳар йили касаллик кўзгаладиган мавсум олдиндан даволашилари, элматлашлари керак бўлади.

— Алергиянинг пайдо бўлиши кишининг турмуши тарзи, иш шариоити, касби билан боғлиқми?

— Албатта. Масалан, чанг ва губор кам жойларда респиратордан фойдаланилганда алергия деярли учрамайди. Ёмғир, қор ҳаводаги зарраларни ювиб тушади. Қишлоқ хўжалигида, сановатда, рўзғорда ишлатиладиган қимёвий моддалар тери алергиясини кўзгалатмаслиги учун химия воситаларидан фойдаланилади. Хозирги вақтда алергиянинг қўлбола ичимликлар, сунъий озик-овқатлар, қимёвий дори-лар таъсирида вужудга келадиган турлари кўпроқ учраётганини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Табиийлик, тозаллик, турмушдаги тартиб ҳар қандай алергиянинг олдини олади ва даволашда энг самарали восита хисобланади.

Суҳбатдош: **Р.ҚУРБОНОВ,**
«Ишонч» мухбири

Навоий сабоқлари ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ...

Бошни фидо айла ато қошига, Жисмини қил садқа ано бошига. Тун-қунунга айлагали нур фоти, Бирисин ой англа, бирисин қўши.

Отанг қошига бошингни фидо, онангнинг бошига жисмингни садқа қил. Агар икки дунё саодатига муяссар бўлишни истасанг, шу икки мўтабар зотинг розилигини ол. Бирини тунингнинг ёритадиган ой, иккинчисини кунингнинг чароғон этадиган қуёш деб бил. Сўзларини икки қилма, чизган чизикларидан чиқма.

Бировким, қилса олимларга таъзим, Қилур гўёки пайғамбарга таъзим. Ҳадис ўлмиш Набийдин бўйла ҳодис — Ки, олим келди пайғамбарга ворис.

Олимларга таъзим қилган киши худди пайғамбарга таъзим қилгандай бўлади. Мухаммад алайҳиссаломдан: «Олимлар менинг ворисимдир», — деган Ҳадис нозил бўлган.

Жиноят ва жазо

да ўқрайиб тикилишарди. Қарабсизки, хаш-паш дегунча Илхом 25 минг сўм пулини ютқазиб қўйди.

Пул аччиғи, жон аччиғи, дейдилар. Вужудини ғазаб алангаси қамраб олган йигит ўзини қўярга жой топмас, ўйини давом эттириш истагида ёнар,

Пичоқни қўлига бир даста карта ушлаб турган Адхам Нажмидиновнинг чап қўрағига зарб билан урди. Адхам аввалга нима воқеа юз берганини пайқамайди. Нима қилиб қўйдинг оғайни, дегандек уйда туз ичаётган меймон томонга ўгирилиб қараб қўйди-да, бир оғиз сўз айтишга ҳам ҳоли қолмай йиқилди. А.Нажмидинов қиморнинг қурбони бўлди.

— Иш бўйича тайинланган судга оид тиббий экспертиза комиссиясининг хулосасида айтилишича, А.Нажмидиновнинг ўлими ўткир санчиловчи жисмининг кўрак бўшлиғини тешиб ўтиб, қатор хаётий органларни оғир даражада жараҳатлаган, хусусан, ўпка тўқимасини ишдан чиқарган, — дейди Наманган вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи Мўминжон Бомборизаев.

Қиссадан хисса шуки, кимор фақат маънавий тубанлик аломатига бўлиб қолган, кўп ҳолларда инсон умрини ҳазон қилади. Суд ҳукмига биноан қотилликка қўл урган Илхом Усмонов узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Ishonch
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир **Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ**

Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компютерида терилди ва сақланади. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7540

Бизга қўнғироқ қилинг:

Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г— 916

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Д.Мадиев
Мусаҳҳих - А.Ербеков
Навбатчи - Ю.Очилдиев

Саҳифаловчи-дизайнер: **З.Бакиров** ва **Ю.Михайловский**

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.40.